АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

# МОҲИР СЎЗ УСТАСИ

16 май куни Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказининг мажлислар залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб "Моҳир сўз устаси" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманни ахборот-кутубхона маркази директори М.Самадова кириш сўзи билан очди.

Мазкур илмий-амалий тадбирда Нодира Афоқова ("Абдулла Қаҳҳор ўгитлари"), Илҳом Ғаниев ("Сароб"— психологик роман"), Ғайрат Муродов ("Шахс ва ижод муштараклиги"), Дилрабо Қувватова ("Ўтмишдан эртаклар"да ўтмиш лавҳалари инъикоси") сингари адабиётшунослар сўзга чиқиб, Абдулла Қаҳҳор ижодиёти— асарлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



Буюк ёзувчининг сўзга нисбатан қаттиққўл эканлиги, унга масъулият билан ёндашиши, абадий мавзуларда қалам тебратиши, ўз фикрига собитлиги, воқеликка реал муносабатда бўлиши; ихчамлик, лўндалик ифода усулига таяниши, рамз ва деталлардан маҳорат билан фойдалана олиши каби хусусиятлари таъкидлаб ўтилди.

Албатта бир анжуман доирасида Абдулла Қаҳҳордек серқирра ёзувчи ҳақида батафсил муносабат билдириб бўлмайди. Шунинг учун бу хил мазмунли, савияли, қизиқарли тадбирларни тез-тез ўтказиб турмоқ шарт ва зарурдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, БухДУнинг адабиёт фидойилари томонидан қилинган маърузалар магнит тасмаларига ёзиб олиниб, аудио, видео кассеталарига муҳрланишга лойиқ эди. Ҳатто шундай чиқишлар китоб шаклида нашр этишга муносибдир. Бундай илмий-амалий адабиётхонликлар илм, кўнгил ва тафаккур аҳли учун катта маънавий озиқ ҳисобланади.

Гулмира КОМИЛОВА,
Икром АСАДОВ.